

ибодатини қилишимизга буюрган», – дейишади. Аҳли китоблар билан бўлган тортишувларда бу масала ҳам қўзғалган бўлиши турган гап. Бу мақомда ҳақиқат нимада эканини ушбу оят баён қиляпти.

Пайғамбар Аллоҳни энг яхши таниган ва ўзининг бандалигини чуқур тушуниб етган банда бўлади. Акс ҳолда пайғамбар бўла олмайди. Бу ҳақиқатни тушуниб етмаган, Аллоҳ таолони танимаган одамдангина «Менга ибодат қилинглари», деган гап чиқиши мумкин. Аммо:

«Аллоҳ башар учун китобни, ҳукмни ва нубувватни берганидан сўнг у одамларга: «Аллоҳни кўйиб, менга банда бўлинглар», дейиши асло мумкин эмас».

Пайғамбар киши одамларни Аллоҳга банда бўлишга чақиришни ўзининг бош вазифаси деб билади. Пайғамбар одамларга:

«Китобни ўргатганингиз ва ўзингиз ўрганганингиз асосида роббонийлар бўлинг», – (дейди)».

«Роббоний» сўзи Роббга нисбат берилган бўлиб, «Аллоҳнинг динини маҳкам тутувчи» деган маънони билдиради. Уларнинг роббоний бўлишларига асос одамларга китобни ўргатганлари ва ўзлари ҳам ўрганганликларидир. Бу эса роббонийликнинг чуқур илм асосида келиб чиқишини билдиради.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди